

Oila va jamiyat

@ollavajamiyatgazetasi_bot



Бир, икки,
уч кун. Баҳор келишига уч кунгина,
атиги уч кунгина қолди.
Лекин февралнинг охири кунларидаёқ уйғониш фасли баҳорнинг кўнгилларга ажиб бир кўтаринкилик бахш этувчи саррин шабадалари эса бошлаганини ҳис қилаёпмиз. Хонанданинг “Ҳар баҳор ҳам шу бўлар такрор, ҳар баҳор ҳам шундай ўтади”, дея куйлаган кўшиғини қанча эшитсакда ҳеч қачон меъданизга тегмайди.

Bahor kelyapti ba-a-a-h-o-or

5



“SAYDANA” ning qo‘li yengil shifokorlari

Наманган шаҳридаги “SAYDANA” диагностика марказига кирар эканман, кутиш залининг мижозлар билан гавжумлигини кўриб “Эҳ-ҳе, шунча одамлар навбат кутиб туришибди-ми?” деб юборганим билмай қолдим. Мени клиника билан таништириб юрган иш бошқарувчи: “Бу ерда таҳлиллар юқори технологиялар ёрдамида тезкор аниқланади. Ўтирганлар тез фурсатда қон, пешоб ва бошқа таҳлиллари жавобини оладилар. Бундай аппаратлар шаҳар бўйича фақат бизда мавжуд”, – деди фахрланиб.

4

Vestminsterdagi o‘qishini tashlagan qiz

Самарқанд шаҳри, Спитанменшоҳ кўчасидаги 52-хонадонда турли миллат ва касбдаги инсонлар истиқомат қилади. Уларни бирлаштириб турувчи бир умумийлик бор, аксарияти имконияти чекланган, қийналган оилалар. Улар орасида яшайдиган Нодира Эшқувватова билан олималарнинг инновацион лойиҳалари танловида танишиб қолдим. Танишганимдан сўнг, у ҳақда кўпроқ билишга ҳаракат қилдим. Аввал билганларим ҳақида гапирсам...

Катта мақсадлар сари дадил қадамлар ташлаётгани у. Эҳтимол, табиатида мақсадлар сари интилиш юқори бўлгани учун бугун ҳам унинг шижоатиға ҳамма ҳавас ва ҳайрат билан қараётир. Аммо ҳаётидаги энг қийин вазиятларни қандай энгиб ўтди, қандай курашди?

2



Toshbaqa

Hajviya

– Ҳей, ўл-а, тошбақа!

Бугунги учраган ноҳақликлари-ю, эшитган ҳақоратларидан алами келган Талқинбой секин бориб, ёзув столига ўтирди. Кўзойнагини куҳ-куҳлаб артиб, янги мақоласини ёза бошлади:

“Миллатимиз асраб-авайлаб келаётган кадриятларимиз қаерга йўқолмоқда? Масалан, хотинларнинг эрларига бўлган муносабатларини олайлик. Ҳатто бугун бозорда бир аёлнинг эрига “Ўл-а, тошбақа!” деганини ўзим эшитдим...”

8

WESTMINSTERDAGI O'QISHINI TASHLAGAN QIZ

nogiron ayollarni qo'llab-quvvatlovchi loyihalarni amalga oshirmoqda

Самарқанд шаҳри, Спитанменшоҳ кўчасидаги 52-хонадонда турли-миллат ва касбдаги инсонлар истиқомат қилади. Уларни бирлаштириб турувчи бир умумийлик бор, аксарияти имконияти чекланган, қийналган оилалар. Улар орасида яшайдиган Нодира Эшқувватова билан олималарнинг инновацион лойиҳалари танловида танишиб қолдим. Танишганимдан сўнг, у ҳақда кўпроқ билишга ҳаракат қилдим. Аввал билганларим ҳақида гапирсам...

Катта мақсадлар сари дадил қадамлар ташлаётганди у. Эҳтимол, табиатида мақсадлар сари интилиш юқори бўлгани учун бугун ҳам унинг шижоати ҳамма ҳавас ва ҳайрат билан қараётир. Аммо ҳаётидаги энг қийин вазиятларни қандай енгиб ўтди, қандай курашди?

Нодира Эшқувватова ўшанда халқаро университетда ўқийман, дея жиддий тайёргарлик кўрди, эртаю кеч инглиз тилини, қолаверса, математикани ҳам инглиз тилида ўрганишга киришди. Орадан кўп вақт ўтмади, ўз кучи билан Тошкент Халқаро Вестминстер университети талабаси бўлиш насиб этди. Энг яхши талаба сифатида танилди. Инсон ҳаёти бир лаҳзада ўзгариб, қутилмаган ўзанларга бурилиб кетиши мумкин экан. Тошкентдаги ошхоналардан бирида ўтирган пайти, қаттиқ шамол туради, даракнинг бир шохи Нодиранинг нақ белига урилади... Шу биргина зарба унинг ҳаётини бутунлай бошқа томонга ўзгартириб юборади. Нодира... У энди икки оёқларида эмас, ногиронлик аравачасида ҳаракатланадиган бўлди. Ўқишни ташлади, сабаби, ногиронлик аравачасида юришга мослашмаган, ўзини-ўзи эплаши қийин, ёнида албат-

та яқинларидан кимнингдир ёрдамига муҳтож эди. Шунга бўлса керак, ўқишини давом эттириш учун яқинларини безовта қилгиси келмади. Самарқандга, келинлик уйига эмас, ота уйига қайтиб келди... Аввалига ҳаёти қоп-қора кўринди, ҳеч қаерда ёруғлик йўқдай. Ҳар куни уй-



дагиларини ишга, ўқишга жўнатади. Ҳатто ўзининг қизига қараш учун ҳам кимнингдир ёрдамига муҳтожлигини давом эттириш учун. Шундай кунларнинг бирида қизалогининг кўзларига қарадио, энди ҳаммаси бошқача бўлишини ҳис қилди. Ичиди аввалги, мақсадли Нодира исён қилди. «Бу аҳволга тушган битта сенми? Наҳотки фарзандингни мана шундай, тушкун аҳволда катта қилсанг? Ота-

онанга-чи? Уларга бу кайфиятнинг билан қанчалик озор бераётганини биласанми?»

Бу саволларнинг жавоби Нодира ни узоқ куттирмади. Ўзи бир пайтлар ташна бўлиб ўқиган китобларини қўлга олди, улар жонига оро кирди. Инглиз тилида бемалол сўзлашадиган Нодирага атрофида яшайдиган болалар дарс беринг, деб кела бошлади. Бу таклиф унга далда бўлди, уйдан инглиз тилини ўрганувчилар аримай қолди. Бора-бора уларнинг ёши ҳам каттариб бораверди. Яъни эндиликда Нодирадан олий таълим даргоҳига кириш учун дарс ўқишларини сўровчилар кўпайди. Улар эса ўз навбатида устози Нодира орасидан ўрганган билимлари натижасида олий таълим даргоҳи талабалари сафига қабул қилина бошлади. Шогирдларининг ютуғи унинг кучига куч қўшди.

— Нодирадаги иштиёқ, мақсад сари интилиши кўриб, тўғриси ҳавас қиламан, — дейди вилоят «Ногирон аёллар» уюшмаси раҳбари Гулобод Намозова. — Жамиятимиз ҳам шу, Спитаменшоҳ кўчасидаги 161-уйда жойлашган. Нодира шу уйда истиқомат қилувчи имконияти чекланган инсонларнинг фарзандларига инглиз тили, математика фани бўйича тўғрақ ташкил қилган. Қолаверса, Вестминстердаги ўқишини давом эттирилмагани сабабли, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига грант асосида ўқишга қабул қилинди. Жамиятимиз билан ҳамкорлик қилиб, бу ердаги ногирон аёлларни қўллаб-қувватлаш учун лойиҳалар тайёрлайди.

2018 йилда Нодира Эшқувватова давлатимиз томонидан ушбу Спитаменшоҳ кўчасидаги, ногиронлиги бўлган, ҳимояга муҳтож инсонлар

учун қад ростлаган хонадонлардан бирига эга бўлди. Ўқишга бориб келади, фарзандига таълим-тарбия бериб, ўз устида ишлайди, лойиҳалар тузади, репетиторлик қилади... Хуллас, унинг ҳар бир куни дақиқаларигача режалаштирилган. Шунинг учун бўлса керак, Нодира билан суҳбатлашиш учун ҳам бир неча кун кутишимизга тўғри келди.

— Кун тартибим шунчалик тигиз белгиланганки, ортиқча ҳаёлларга вақтим йўқ, — дейди Нодира Эшқувватова. — Муҳими, қилаётган ишимдан ўзим завқ оламан. Айни пайтда ногирон хотин-қизларни бандлигини таъминлаш ҳамда улар томонидан яратилган хунармандчилик маҳсулотларини интернет орқали сотувини йўлга қўйиш ҳақида ўйлаётимиз. Вилоят ногирон аёллар уюшмаси ҳамкорлигида фаолият юртаман. Бу ерда имконияти чекланган ўнлаб хотин-қизлар турли хунармандчилик маҳсулотлари тайёрлашади. Афсуски, ушбу маҳсулотларни сотиш бироз муаммо туғдиради. Ваҳоланки, хорижда айнан имконияти чекланган инсонлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар уларни қўллаб-қувватлаш учун ҳам қимматроқ нарҳда сотилади. Биз бу лойиҳани бир неча тилдаги матнлари билан интернет сайти орқали ташкил этмоқчимиз. Умуман, ногирон аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги лойиҳаларимиз кўп. Уларни бирин-кетин амалга ошириш ниятидаман.

Нодиранинг ушбу режаси «Олималарнинг 100 та инновацион лойиҳаси» танловининг вилоят босқичида ғолибликни эгаллади. Ҳа, у табиатан шунақа — аниқ мақсад билан ҳаракат қилади ва шу пайтгача ҳаракатлари бесамар кетмаган.

Гулрух МҮМИНОВА

KELINLIK MAS'ULIYATI TALABALIKDAN USTUNMI...?

Кейинги йилларда кузатаётган бўлсангиз, ўғил уйлантириш ниятида юрган ота-оналарнинг аксарияти ўқимишли, яъни «дипломли» келинни оруз қилмоқда. Гоҳ у, гоҳ бу университет бўсағасида ўғлига муносиб номзод қидириб юрган совчиларни тез-тез учратаётганимизнинг боиси ҳам шунда. Талаба-қизлар эса бири-биридан чиройли, бири-биридан ақлли, зукко. Келининг шундай бўлса, деб ҳавас қилгулик. Йигит ҳам қизнинг ота-онасига маъқул келса, бу ёғи тўй-да...

Аммо масаланинг яна бир нозик томони бор: келинлик масъулияти ва вазифалари, унинг қайнота, қайнона, қайнбўйинлар олдидида бурчи, тахсил жараёни, кейинчалик ҳомиладорлик ва фарзанд тарбиясидаги қийинчиликлар талаба-келинларимизнинг елкасига оғир юк бўлиб тушмаётганмикан?

Ота-онасининг бағрида яшаб, тахсил олаётган қиз хотиржам ўқишга бориб, дарсларни тинглайди. Унда устозлари берган топшириқларни бажариш, китоб ўқиш ва изланиши учун вақт ҳамда имконияти етарлики бўлади. Агарда уй юмушларига улгуролмай қолса, онаси уни тўғри тушунади. Энди тасаввур қилинг, ўқётган келиннинг қайнона-қайнотаси, турмуш ўртоғи унинг ўқиши учун шароит яратиб, алоҳида хона, адабиётлар билан таъминлаб қўйган бўлса-ку нур устига нур, лекин акси бўлса-чи? Бунда аввало талаба-келинчакнинг ҳаловати йўқолади. Чунки энди у келин, рафика, (ҳомиладор бўлса) она ва албатта, талаба сифатида тўртга бўлинади. Дарс пайтида ҳаёли эрталаб улгуролмай қолган юмушларида, ҳомиладор бўлса

туғилажак фарзандида бўлади. Уйда келинлик вазифасини бажараётган пайтида фикри эртанги оралик ёки якуний назоратда, қайсидир дарслик ёки китобни тополмагани, кутубхонага боролмаётганида бўлади. Яна бир ҳолат — эр ва хотин ўртасидаги руҳий яқинлик аёлдан кўпроқ масъулиятни талаб қилади. Талаба-келин бу вазифаларнинг бирортасини ҳам тўлақонли бажара олмай қийналиши мумкин. Чунки у ҳатто тунда ҳам хаворти билан ухлайди. Қайнонаси бююрган ишни вақтли туриб бажариш, эрталаб ухлаб қолмаслик хавфи билан тонг отиради. Руҳий ҳолатидаги чарчовлар эса унинг ҳомиласига салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Бундай шароитда бола инжиқ, йўғлоки, нимжон бўлиб туғилмаслигига ким кафолат беради? Фарзандли бўлганидан кейин муаммолари янада ортади. Уй юмушларидан, дарсларидан ортиб чақалогига етарли эътибор беролмайди, ҳатто болани хотиржам ўтириб овқатлантиришга вақт ажратолмайди. Натияжада чақалогини она сутидан бебаҳра қолдириб, сунъий озуқа билан боқишга ўргатади. Қарабсизки, ҳам

она меҳридан, ҳам она сутидан мосуво бўлган болада касалликка мойиллик юзага келади.

Талаба-келинлар ўртасида ўтказилган мулоқотлардан шу нарса аён бўлдики, уларнинг кўпчилиги оила билан ўқишни бирдек олиб боришда қийналаётгани, фарзанди борлари эса унинг тарбиясига етарли даражада эътибор беролмаётганини, фанлар ва мутахассисликларини тўлиқ ўзлаштиролмай, қийналаётганини таъкидладилар.

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида олий ўқув юртида тахсил олаётган талаба-келинлар билан ҳам суҳбатлашдик. Улар ўқишни эркин давом эттиришларида нафақат ота-оналари, балки, маҳалла-қўй, қўни-қўшниларнинг ҳам таъсири кучли бўлаётганини таъкидлашди.

М. АСАДОВА
талаба.

— Касб-хунар коллежини тугатиб, Тиббиёт академиясига ўқишга кирдим. Биринчи босқични тамомлаётганимда уйимизга совчилар кела бошлади. Ўша пайтда бувим оғир касал бўлиб ётган. «Кўзим очиклигида неварамнинг тўйини кўриб қолай», деб ота-онамни шоширдим. Менинг фикрим билан ҳеч ким қизиқмади. Қайнона-қайнотам ваъдаларининг устидан чиқиб, учинчи курсгача тўлов шартномасини тўлашди. Қайсинглим ҳам университетга киргач, менинг ўқийшим уларга малол кела бошлади ва қайнотам «дадангиз ҳам қарашворсин», деб писанда қилгач, уйдагиларим бир йиллик тўлов пулини беришди. Фарзандим туғилгач, аҳволим янада оғирлашди. Камқонлигим

туфайли ўғлим нимжон туғилди. Харажатлар ортиб кетди. Ўқидан чиқиб уйга боришга юрагим бетламайди. Қайнонам, касал бола тугдингиз, деб таъна қилади, ўқишга борсам, ўқитувчиларим дарсни талаб қилишди. Турмуш ўртоғим мени қўллаб-қувватлаш ўрнига арзимаман нарсалардан айб топиб, жанжал чиқара бошлади. Охир-оқибат ўқидан ҳам, оиладан ҳам совидим...

ОДИНА ОТАЖОНОВА
психология фанлари номзоди.

— Ўзим ўқитувчи бўлиб ишлаганим боис талаба-келинларни кўп кузатаман. Дарс пайтида кўпчилигининг бутун фикру ҳаёли уйда бўлади. Чунки ўқиш билан бирга оиласини ҳам эплаши керак-да. Тўғри, бугун ҳам ўқишни, ҳам оиласини удрасидан чиқиб, барчага ибрат бўлаётган талаба-келинлар ҳам йўқ эмас. Лекин минг афсуски, ҳеч бир ишини кўнглидагидек бажара олмаётганлар ҳам учраб турибди. Бундайлар ўқишини бир амаллаб тугатиб олгач, фарзандини энга ёки қайнонасига ташлаб ишга чиқади. Бир ҳаёли болада, бир ҳаёли ишда бўлган она ўзига бириктирилган вазифани қай даражада удралашини энди тасаввур қилаверинг.

Ота-оналар қизини турмушга узатишдан аввал унинг келгуси ҳаёти ҳақида мулоҳаза қилиб кўрсалар, «ойпоқдай талаба қизни келин қилияман», деб суюнаётган қайноналар эса талаба-келин олишининг ўзига яраша жиддий масъулиятни ҳам борлигини унутмасалар, уларга ҳар жиҳатдан суюн-чиқ бўлсалар қанийди.

Нигора Алишер қизи

oilavajamiyat@mail.ru

“LIKE” balosi yoxud internetdagi do‘stingizni tanisizmi?

Бугунги кунда ҳаммамиз интернет тармоғидаги ахборот майдонининг имкониятларидан фойдаланамиз. Кўпчилигимиз ижтимоий саҳифаларнинг кўринмас занжирлари билан дўстлик алоқаларини ўрнатганмиз. Бу қанчалик тўғри? Ахборот ва технология замони тараққиётнинг ривожидан оқилона фойдалана оляпмизми? Бу жараён ёшларимиз ҳаётига қандай таъсир қилмоқда? Шу каби бир қатор саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Тан олиб айтиш керак, онлайн мулоқот жонли мулоқотдан кескин фарқ қилади. Бу мулоқотлар шахсий чатлар, изоҳлар кўринишида бўлиб, имло қоидалари, этика-эстетика қоидаларини четлаб ўтиши мумкин. Айниқса, шахсий маълумотларимизнинг очқилги, ҳар қадамимиз ҳақида ёзаётганимиз ёки селфи-фото, видео, аудио имкониятларидан фойдаланиб, ижтимоий саҳифаларга жойлаётганимизнинг ўзи хавфсизлигимизга путур етаётганидан далолатдир. Энг ачинарлиси, ҳозирги “Like” яъни ўзбек тилига таржима қилинганда “ёқтириш” маъносини берадиган “тугмача” учун инсон боласи кўр-кўрона қўл ўрмаётган воқеликларнинг ўзи қолмади, назаримизда. Ижтимоий тармоқларнинг энг кенг тарқалган турлари бўлиши Instagram, facebook, Telegram ёки YOUTUBE каналларидаги мулоқот, постлар ва изоҳларда ҳақорат, кибербуллинг, камситиш, хирилик қилиш, интернет орқали дўст тутиниш каби ҳаракатлар очиқ-ошқора, баъзида ҳеч қандай ахлоқ нормаларига тўғри келмайдиган тарзда амалга оширилади.

Хўш, шундай экан, бу жараёнлар бизга нима беради? Ёки биз ким ёхуд нималар таъсирига тушиб қолмоқдамиз? Баъзида ўйлаб қоласан киши, инсон сифатида бир-биримизга бўлган меҳр-муҳаббатни шу темир қутиларга сингдириб юбордикми ёки танимаган “дўст”имизнинг хоҳиш-истаклари билан банд бўлиб қолмадикми? Саволларнинг чек-чегараси йўқ. Жавоб эса саволнинг ўзида яширингандек, гўё.

Ширино Азадованинг фикрича, ижтимоий тармоқлар бугунги кунга келиб, энг оммабон ва қўлай мулоқот воситасига айланди. Глобал тармоққа тобе-



лики ҳам айнан социал тармоқларда кўриш мумкин. Тўғриси айтганда, реал ҳаётдаги дўстларимиздан интернетдаги дўстларимиз анча кўп (аксариятнинг кимлигини, шахсини тўлиқ билмасак ҳам). Интернет оламида фаол фойдаланувчи бўлиш замон талабидир, лекин реал ҳаётдаги дўстликнинг қадри ўзгача.

Шундай инсонлар борки, ўзининг реал ҳаётда айта олмайдиган фикрлар ва ҳаракатларини интернет орқали оммага ҳавола қилади. Дўстлик ришталарини ҳам шу тарзда намён қилади. Биз бу билан акаунт (саҳифа)лардаги шахсларнинг дўстлашувини қораламоқчи эмасмиз. Лекин ахборот хуружлари авж олган бир пайтда турли кибер ўғирликлар, зарарли дастурлар орқали жосуслик, вируслар, спамлар, хаккерлар ҳужуми натижасида ўзларининг қадрдон “дўст”ларига хат юбориш орқали компьютер, телефонларнинг шахсий кодларини билиб олиши, шахсий маълумотларни ўчириб юбориши мумкин. Бундан ташқари, улар дўстлик саҳнасини уюштириб,

турли шафқатсизлик, ҳаёсизлик, тушкунлик, зўравонлик, инсониятга нафрат, жиноят оламга хос бўлган кўшиқларни тарғиб қиладиган эркин яшовчи шахс сифатида гавдаланадилар. Шунингдек, диний чорлов, жамиятга қарши бориш, одамларни ёлфон хабарлар билан чалғитиш, наркотик моддалар тарғиботини ҳам мисол келтириш мумкин. Айнан ижтимоий тармоқлардаги дўстликнинг ижобий ёки салбий томонлари ҳақида психолог Дилдора Раҳимова шундай дейди:

– Менинг ўзим ижтимоий тармоқдаги “Facebook” саҳифасининг “Бегейм.уз” гуруҳини уч йилдан бери бошқариб келаман. 18.500 нафар ўзбек аёли гуруҳга аёзо ва бевосита дўстлик алоқалари ўрнатилган. Учрашувлар, борди-келди, хаттоки шу гуруҳ орқали қуда-андачилик муносабатларини ҳам ўрнатганлар бор. Баъзи маиший муаммоларнинг интернетдаги дўстлар орқали самимийликда ечилгани бундай дўстликнинг ижобий томонларига кирди. Лекин бунинг салбий оқибатлари ҳам йўқ эмас. Чунки одамлар ҳар хил, уларнинг феъл-атвори, тарбия топган муҳити ҳам турлича. Баъзи одамлар аламанда, ҳасадгўй ва стресс ҳолатида бўлишади. Бундай инсонларнинг асосий саволлари: “Нега унда бор, менда йўқ”, “Нега у зўр, аммо менда ҳеч нарса йўқ” каби сўроқлардан иборат бўлади. Кўриниб турибдики, жамият ва жамоатчилик кузатуви

нинг ҳам аниқ чегараси бўлиши лозим. Энг ёмони, эркак ва аёл, йигит ва қизларнинг ўзаро муносабатларидаги чегарасиз яқинлашув натижасида оилалар бузилиши, рашк туфайли турли жиноятлар келиб чиқаётгани ачинарли ҳолат. Ҳозирги кундаги эр-хотинларнинг аксарияти шу муаммо сабаб ажрашиб, ўз оиласини тарк этишмоқда. Шунинг учун ҳамма нарсада меъёр бўлиши керак. Айниқса, эркак ва аёлнинг ижтимоий тармоқлардаги дўстлик чегарасини унутмаслик лозим. Масалан, “Like” йиғиш кўпроқ Instagram тармоғида авж олган. Ута намойишкорона ва реклама роликларига тўлган бу саҳифадаги дўстлик ҳам айнан “Like” босиб билан баҳоланади. Бу ўша акаунт (саҳифа) эгасининг руҳияти билан боғлиқ. Яъни оилада, мактаб, лицей, реал дўстлар

даврасида тан олинмаган инсонлар интернет тармоғидаги “дўст”лари учун “очилади”.

– Мен учун ижтимоий тармоқлар ҳамиша шахсий ҳудуд ҳисобланади, – дейди Забаржад Бобоҷонова. – Уни биров бошқариши, назорат қилиши ёки кўрсатма бериши, нотаниш дўстларнинг оқимига тушиб қолиши нотўғри. Уни сиёсийлаштириш, ғийбатхонага айлантириш керак эмас. Шахсан мен фақат таниган яқинларимни интернет тармоғидаги саҳифам майдонидаги дўстлик таклифини қабул қилиш рўйхатига киритаман.

Фикрлар чорраҳасидаги нуқталар кесилуви – муҳим бир масалани юзага чиқишига олиб келади. Бу интернетдан фойдаланиш маданиятидир. Яъни, ҳар қандай манба, ахборотни қабул қилиш, ўзлаштириш ва узатиш ҳамда ижтимоий тармоқлардаги акаунтларнинг тарқатаётган ахборотларнинг маълум даражада чекланишидир. Айнан шу маданиятни ўзлаштирмаган ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ўртасида текширилмаган ва тасдиқланмаган ахборотлар алмашинуви юзага келади.

Яқин йиллардаги жаҳон таърибасига назар солсак, Ноттингем Френт университети олимлари онлайн ҳаёт киши руҳини, характери, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш эса бегона одамлар билан дўст тутиниш – шахсий ҳаётдан қочиш, ҳақиқатдан узоқлашиш, салбий фикрлаш каби қарамлик белгиларини кучайтиришни кузатишди.

Сулонсидаги университет олимлари эса интернетдан фойдаланишни тўхтатган кишилар руҳий хуружлардан азият чекишини аниқлашди.

Ҳақиқатдан ҳам ҳар қандай макон ва замон ўзгариши натижасида пайдо бўладиган кулайликлар инсониятни янада юксалтириб, мушкулени осон қилади. Лекин бу интернетдаги мушкуллик, бегоналар учун ўз шахсий маълумотларини намойиш қиладиган ёхуд “Like” йиғадиган майдон бўлмаслиги лозим. Ахборот асрида интернетдан тўлиқ воз кеча олмас эканми, ҳеч бўлмаганда фойдаланишда чегарани унутмайлик. Шунингдек, реал ҳаётимиздаги дўстлик, қадрдонлик ва самимий меҳр-муҳаббатимиздан айирмасин.

Чўлпоной АҲМЕДОВА,
Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

Ayol – ezigulik mehrobi

Баҳор! Сарин ел боғларга ажиб тароват билан етаклаб келган фусункор фасл! Рухиятигинизда илиқ туйғу, димогинизга урилган шафтоли гулининг ифори ўтган йилги баҳорларни кўмсаш, соғинчнинг ҳам етаклаб келади. Бу фасл аёлларга, оналару келинларга, қизлару қизалоқларга атайлаб Оллоҳдан берилган мукофотга ўхшайди. Онангиз, опа-синглингни эслаб қоласиз. Улар кўнглини шод этиш истаги пайдо бўлади. Аслиятда ҳам Аёл! Она! Уч ҳарф, биргина калом вужудингизга илиқ руҳият, қалбингизга уммон янгли меҳрни бошлаб келади. Чунки, шу сўз тилларда янраганда

аввало, дилбанди бахту камоли учун жимитдек жонини фидо этишга тайёр мунис, муштипар, хокисор ва дилгир онажонингиз кўз олдингизда намён бўлади. Бу оний хушёрлик волидангиз агар ҳаёт бўлсалар... у кишини албатта йўқлаш илинжи, тўғрироғи, соғинч изтироби кўнглингнизда бир ғалаён қилиб бош кўтаради. “Онамни сўнги бор қачон кўрүвдим?! Она, Сизни яхши кўраман”, деган юрагим тубида инжуланиб ётган изхори айтишга кечикмаслигим керак,” дейсиз...

Аммо... аммо онасини тупроққа топширганлар бўлса-чи?! Тоғларни ларзага солувчи фарёд кўксига қамалиб

қолган бўлса-да, “Эсиз-а, онам!!! Тирик бўлганлариде эди...” сўнгсиз армон “ғилт” этиб кўзингизда қалган ёш бўлиб кўксингизга тўкилади. Бу ҳеч қандай бадиий тўқима эмас. Чунки бундай ҳолатларни ҳаётим давомида жуда кўп, жуда кўп бора кузатганман. Раҳматли онаиморин 84 ёшларда эдилар, 8 Март баҳонасида табриклагаша тутиндим. Олиб борган совгамни силаб туриб, кўзлари ёшланди. “Кувонч ёшлари”, деб ўйладим. Йўқ! Онам: “Қани эди, меҳрибоним тирик бўлганлариде эди. Шу рангни жуда ёқтирар эдилар. Рўмолни онажонингга совға қилар эдим...” – дедилар 103 ёшга кириб дунё-

E'tirof

дан ўтган бувижонимни ҳадсиз соғинч билан хотирлаб...

ОНА! ОНАЖОН! СИЗнинг меҳрингиз ўрнини босгувчи бирор ёлқин йўқ. Онанинг буюқлиги, суюқлиги ҳам шунда. Омад юз ўгирса ўн дўстдан бири ё қолади, ёки ўша ҳам “яширинади”. Баъзан энг яқинлардан ҳам йирокда қолиб кетганингни ҳис қиласан. Ушандаям ҳеч бўлмаса тушларингда пайдо бўлиб нурсиз нигоҳлари сенга қадалиб аҳволингни сўрайдиган онанг бўлади. Яратган оналаримизни ўзи асрасин. Шожалинг, “Онажон, сизни табриклайман”, деган илиқ дил изхори айтиш бахтидан бенасиб қолманг...

Моҳирана ШАКАРОВА

"SAYDANA" ning qo'li yengil shifokorlari

hamda eng zamonaviy tibbiyot anjomlari bemorlar dardiga shifo bo'lmoqda



Наманган шаҳридаги "SAYDANA" диагностика марказига кирад эканман, кутиш залнинг мижозлар билан гавжумлигини кўриб "Эҳ-ҳе, шунча одамлар навбат кутиб туришибди-ми?" деб юборганимни билмай қолдим. Мени клиника билан таништириб юрган иш бошқарувчи: "Бу ерда тахлиллар юқори технологиялар ёрдамида тезкор аниқланади. Утирганлар тез фурсатда қон, пешоб ва бошқа тахлилларни жавобини оладилар. Бундай аппаратлар шаҳар бўйича фақат бизда мавжуд", — деди фахрланиб.

2003 йилда Наманган шаҳрида тиббий сервис (пулик) хизматини йўлга қўйган "SAYDANA" диагностика маркази бугунги кунда энг замонавий технологиялар асосида мижозлар ва беморларга тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Айни пайтда, 650 мингдан зиёд шаҳар аҳолиси, вилоятдан ва қўшни давлатлардан ташриф буюрувчиларга малакали тиббий хизмат кўрсатаётган "Saydana"да 80 нафар олий ва ўрта махсус ҳамда кичик тиббиёт ходимлари меҳнат қиладилар. Уларнинг 20 нафари олий тоифали шифокорлардир.

Юқори даражадаги инфратузилма билан таъминланган тиббий марказда кардиология, урология, гинекология, неврология, гастроэнтерология, терапия ва бошқа тур хасталикларга мукамал ташхис қўйиш самарали ташкил этилган.

— Марказимизда касалликларни аниқлашда аввало тўғри қўйилган ташхис даволашнинг энг юқори босқичи ҳисобланади, — дейди бош шифокор, гастроэнтеролог Бахтиёр Жўраев. — Касалликни олдиндан аниқ ва тезкор аниқлашда марказдаги биотахлилларни амалга оширувчи автоматик ва иммунохимик лаборатория, инсон организмга зарарсиз бўлган магнит резонанс томография, мультиспирал компьютер томография, рақамли рентгенография, рентгеноскопия ва бошқа илғор тиббий ускуналарнинг келтирилиши саломатликни сақлаш йўлидаги янги босқични бошлаб

берди десам муболаға бўлмайди.

Ҳа, соҳада олиб борилаётган ислохотларни яхши англаган марказ инвесторларининг саъй-ҳаракати ва изланишлари туфайли Наманганда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш даражаси бирмунча ўсди. Дунёнинг етакчи машҳур компанияларида ишлаб чиқарилган, юқори аниқликка эга ва ҳар қандай касалликни олдиндан аниқлайдиган тиббий ускуналар, аниқ ва тезкор биотахлилларни амалга оширувчи автоматик ва иммунохимик лаборатория ишга туширилди. Магнит резонанс томографияси, мультиспирал компьютер томография, рақамли рентгенография ҳамда рентгеноскопия аппаратлари келтирилди.

Жумладан, мультиспиралли томография ёрдамида тана аъзоларини юқори сифатли тасвирга олиш, кичик деталларни кўриш ва аниқлаш, касалликни олдиндан аниқ ва тезкор биотахлилларни амалга оширувчи автоматик ва иммунохимик лаборатория ишга туширилди. 3Д ҳажмда тасвирга олиш ва тадқиқот натижасини ўрганиш имконияти таъминланди. Онкологик, травматологик касалликларни олдиндан аниқлаш ва

ташхис қўйиш имконияти яратилди.

Инсон организмга зарарсиз бўлган магнит резонанс томография, мультиспирал компьютер томография, рақамли рентгенография ҳамда рентгеноскопия аппаратларининг келтирилгани эса инсон саломатлигини сақлаш йўлидаги янги босқичлардандир.

Клиникадаги "Cobas e 411" иммунохимик анализатори ҳам илғор технологиялардан бири бўлиб, қон ва сийдик ҳамда бошқа суюқликлардан аниқ тахлилий амалиётларни аниқлайдиган мукамал лаборатория комплекси-

хусусиятига эга. Амалга оширилаётган тахлилларнинг 80 фоизи айнан ана шу ускуналар ҳиссасига тўғри келади ва олинган аниқ тахлиллар асосида касалликнинг келиб чиқиш сабаб, омиллари ўрганилади.

"Магнит резонанс томографияси" тиббий диагностиканинг замонавий усули сифатида, инсон ички аъзоларини тўлиқ тасвирга олади. Юмшоқ тўқималарда юқори контрастга хусусияти билан ички аъзо ва тўқималар ҳамда суяк касалликларининг ривожланиш жараёнларини эрта аниқлаш,



дир. У соатига 85 тадан зиёд тест ўтказиб, тахлил учун вақт 18 дақиқа, тезкор тахлил учун 9 дақиқа кифоя қилади.

Ҳайратланарлиси, тўлиқ автоматлаштирилган ушбу ускунада инсон иштирок этмайди. "Cobas e 311" автоматлаштирилган биохимик анализатори ҳам бир кунда 200 тагача намуналарни текширувдан ўтказиб, соатига 300 тагача патометрик тест натижаларини олиш ҳамда реagentларни автоматик тарзда совутиш


бош мия ўсмаси ва яллиғланишлари, кичик чанок, гипопиз бези, суяк-бўғим касалликларини контраст моддасиз экстрантранил қон-томилрлар ҳолатини эрта ва ишончли аниқлаш имконини беради. Унинг афзаллик томони шундаки, монлашган беморга нурланиш хавф солмайди.

Ушбу замонавий ускуналар ёрдамида аҳоли ўртасидаги абдоминал, нейрохирургик, неврология, кардиология, онкология, педиатрия, таянч-ҳаракат тизими ҳамда ички органлар томография асосида касалликни эрта аниқланиб, ишончли ташхис қўйилаётгани эътиборга сазовордир. Бундан ташқари, ультратовуш текшируви, ЭКГ, эндоскопик текширувлар, гармон ва онкомаркёрлар, танани чикинди ва заҳарлардан тозаловчи гидроколонтөрипия мижозлар хизматида. Олий тоифали терапевт, кардиолог, гастроэнтеролог, невропатолог, уролог, гинеколог каби мутахассислар кундузги стационарда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш йўлида астойдил изланмоқдалар. Клиникада кичик урологик жарроҳлик амалиётлари ҳам амалга оширилмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида мутахассислар маслаҳати бепул қилиб белгиланган ҳолда, наҳорга (қон тахлили ва гастрокопия) текширувга келганларга бепул нонушта берилиб, имконияти чекланган, ёлғиз ва қарияларга имтиёзли тиббий хизмат кўрсатилади.

Яқинда марказда урология, гинекология, неврология ва терапия бўлимларида ётиб даволанишнинг йўлга қўйилгани, беморларга қулайлик туғдириш мақсадида 5-датчikli УТТ тиббий ускунасининг ишга туширилгани аҳоли саломатлигини тиклашда янги қадам бўлди.

Марям АҲМЕДОВА.
oilavajamiyat@mail.ru



Баҳор келди ба-а-а-ҳ-о-ор

Бир, икки, уч кун. Баҳор келишига уч кунгина, атиги уч кунгина қолди. Лекин февралнинг охири кунларидаёқ уйғониш фасли баҳорнинг кўнгилларга ажиб бир кўтаринчилиги бахш этувчи саррин шабадалари эса бошлаганини ҳис қилаёلمиз. Хонанданинг “Ҳар баҳор ҳам шу бўлар такрор, ҳар баҳор ҳам шундай ўтади”, дея қуйлаган қўшиғини қанча эшитсақда ҳеч қачон меъдамызга тегмайди. Қайта-қайта эшитгимиз, қуй оҳангига монанд гуллаган дарахларни қайта-қайта кўз олдимишга келтиргимиз келаверади. Баҳор боқий қўшиқ. Шунинг учун уни интиқлик билан кутамиз. Баҳор яшариш, янгиланиш фасли, аввало, атроф-муҳитга гўзаллик билан бирга саранжом-сарийшталикни бошлаб келади.

Юртимизда март-апрель ойлари ободлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳисобланади. Умуман ҳайрия ҳашари баҳона кўчатлар ўтказилади, бутун Ўзбекистон гўё янгиланади.

Ёшлигимда бувим ҳовли сурпосак, чиқиндини бир сиқим ҳам қолдирмай тозалаб олишлар, чиқинди тўпланган жойдан барака кетади, ҳар хил касаллик урчиди, дердилар. Яна ҳеч қачон чиқинди, кул тўкилган жойни оёқ билан босманлар, сувга туфланманлар, деб уқтирдилар. Ана шундай ҳашар кунлари кекса онахонларимизнинг, нуруний оталаримизнинг ўғитлари, панд-насиҳатлари ҳам фойдадан ҳоли эмас.

– Ҳар қандай байрамга, тўйга тайёргарлик аввало, атроф-муҳит тозаллигига эътибор беришдан бошланади, – дейди жиззахлик отахон Шукриддин Аҳмедов. – Чунки уйингизга келган одам дастлаб сизнинг ҳашаматли иморатингизга эмас, кўчангизнинг тозаллигига, остонангизнинг, уйингизнинг саранжом-сарийшталлигига қарайди. Бир

воқеани эшитганим бор. Ўша воқеа менинг анча пайтгача хаёлимдан кетмаган: Бир эл орасида ном қозонган ҳамюртимизниқанда хорижлик киши меҳмон бўлади. Ва эрталаб келинларнинг, қизларнинг ҳовли супураётганини кўриб ажабланади. Мезбоннинг: “Бизда кўча супуриш одатий ҳол”, деган гапини эшитиб хорижлик меҳмон кўчани супуриш одатга айланиши мумкинлигини ҳеч ақлига сиғдиролмайди. Чунки уларда кўчадан ўтаётган одам қорда

ёрдам ва муруватли бўлиш каби эзгу фазилатларни юксалтириш тамойиллари мужассам...

Кечкурун ишдан қайтишда яна ўша ҳолатнинг гувоҳи бўламан – ота ёки бобо бошчилигида ўғилу неваралар ариқларни тозаллаган, дарахларга шакл берган, ёш қизалоқлар ва келинчақлар эса ҳовли, кўчаларни супурган. Онаси билан боғчадан келайтган қизалоққа ҳамроҳ бўлдим. У



сирпаниб майиб бўлмаслиги ва агар бирор шикаст етган тақдирда хонандон эгаси унга катта жарима тўламаслиги учунгина тозалаб қўйилар экан. Бундан келиб чиқадики, саранжом-сарийшталликка интилиш, ҳашар баҳона барча шаҳару қишлоқларни обод қилиш том маънода бизнинг қадриятларимиздан ҳисобланади. Бу қадриятлар замирида эса аҳоли ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, бегараз

қўлидаги ширинликдан бўшаган қоғоз кутини ташламасди. Онаси бир-икки марта: “Кўлингизда қоғозни чеккароққа ташла”, деди. Қизча шунда: “Йўқ, бизга боғча олам машгулотларда атроф-муҳитни қандай тутишимиз кераклигини ўргатадилар. Одобли болалар писта пўчоғини, конфет қоғозини, албатта, ахлат қутисига ташлайди, деб тушунтирадилар”, деди. Сал ўтмай олдида чикқан чиқинди

қутисига югуриб боғриб қўлидаги қоғозни ташлаб келди. Мен ана шундай қизалоқларнинг орамизда жуда кўплигидан хурсанд бўлдим. Чунки улар келажакда нафақат ўзларининг эзгу ишлари билан ўрнатқилар, балки бошқаларни ҳам хайрли ишлар қилишга даъват этадилар.

Мана, баҳорга санюки кунлар қолди. Табиат уйғонмоқда. Ҳадемай, новдалар гулга бурканади. Бу айёмда табиат уйғонганидек, ҳар бир инсон қалбида яратиш, яшнатиш, саховат каби эзгу ниятлар, пок тилаклар уйғонади.

Мамлакатимизнинг иссиқ воҳаларида бойчечак бош кўтарди. Боғларимизда баҳор шивирляпти.

Қулоқ тутинг-а, сувнинг жилдираб оқиши, булбулларнинг хониши, бизга баҳор келайтганини даракляпти. Эътибор бераясизми, бойчечак бош кўтарди. Бинафша ўзининг хушбўй хидини атрофга таратиб “яна бир баҳор келди”, дея суоңчилаётгандек гўё. Болақай, митти қизалоқ қўлида куёшдан ранг олган бойчечакни ушлаганча “суянчи, суянчи беринг, баҳор, баҳор келаяпти”, дея момосининг, онасининг хузурига шошилади. Момоларимиз бойчечакни кўзларига суртиб юртга, одамларга, фарзандларига, невараяю эвараларига омонлик тилайди.

Баҳор яқин... Кўнгиллари яратиш ва яшнатиш ишқи билан тўлдирган баҳорни, янгиланиш айёми наврўзи оламни муносиб кутиб олиш учун шу бўғундан, айни шу дақиқалардан ҳаракат қилмоғимиз, ўз хиссамизни қўшмоғимиз лозим.

Барно СУЛТОНОВА

Маҳалламизга яқиндагина кўчиб келган қўшнимизнинг уйида меҳмонда бўлдик. Эшиқдан кирар-кирмас кўзим меҳмонхона деворини тўлдириб турган манзарали суратга тушди. Беихтиёр ўзимни худди шу табиат бағрида юргандек ҳис қила бошладим.

Орадан бир неча кун ўтиб, иш юзасидан бир ҳамкасбимнинг хонадонига бордим. Унинг хонасида ҳам қўшнимизни уйдайки каби портретга кўзим тушди. Суратда югуриб кетаётган отлар тасвирланганди. Ҳамкасбим бундай суратлардан нариги хоналарда яна борлигини, уларни атайлаб сотиб олганлигини айтиб, “Бундай суратлар ижодкорларга янада илҳом беради”, дея изоҳ берди.

Деворга илинган суратлар ҳақида гап борар экан, бу ҳақда мутахассислар фикрини билишга қизиқдик.

Жонибек НАМОЗОВ, дизайнер:

– Уй хонасидаги деворни суратлар билан бойитиш услуби яқинда кашф қилинган эмас, албатта. Бунинг ўзига яраша бой тарихи бор. Қадимда форда яшаган одамлар ҳам тошларга ўз сурат-

Suratlar ham xonani, ham ruhiyatni boyitadi



ларини чизиб қолдиришган.

Суратлар хона дизайнида ўзига хос ўринга эга бўлиб, хонани безаш услубига қараб илинади ёки чизилади. Шундай шаклдаги хоналар борки уларни бирор манзарали суратсиз тасаввур қилолмайсиз, яна шундай услубдаги хоналар бўладики, унга илинган сурат хонанинг нафақат кўринишини балки,

шақлини ҳам ўзгартириб юборгандек бўлади. Фасолятиям давомида гувоҳи бўлдимки: “Бу ерга мана бундай расм илмоқчман”, дейдиган талабгорлар санюки.

Суратларнинг инсон руҳиятига таъсири ҳақида руҳшунос Алишер Носиров шундай дейди:

– Суратни ҳар ким ҳар хил мақсадда илади. Ким учундир бу руҳий энгиллик берса, яна ким учундир яхши ва ширин хотираларни эслатади. Шундай одамлар борки бойлигини кўз-кўз қилиш учун ҳам меҳмонхонасини катта-катта портретлар билан безайди. Яна кимдир сурат муаллифини қадрлаб, ёдга олиб туришни мақсад қилади.

Фарзандларимиз жажжи қўлчалари билан чизган илк суръатларини эсдалик сифатида деворга илиб қўйиш ҳам инсонда ширин бир хотирани уйғотади.

Пойтахтнинг сайилгоҳ кўчасидаги майдонда сурат чизиш билан машғул, рассом Обид Бурхоновдан: “Сурат чизаётганингизда ушбу ижодий асарингиз кимнингдир деворини безаб туришини

хаёлингизга келтирасизми?” – дея сўрадик:

– Ижодкорнинг бутун фикру хаёли, эътибори яратаётган асарида бўлади, – дейди О.Бурхонов. – Сурат тайёр бўлганидан кейингина уни сотиш, инсонларнинг санъатга бўлган эҳтиёжларини қондиришни ўйлаймиз. Илгари суратларим кўпроқ хорижлик меҳмонларда қизиқиш уйғотарди. Буғунги кунда эса маҳаллий халқимизда ҳам суратга бўлган қизиқиш ошиб бораётганлиги мени қувонтирмоқда. Кимдир совға учун, яна кимдир “уйимга илиб қўяман”, деган ниятда, яна кимдир эса “мени лол қолдирган сурат” дея сотиб олмоқда.

Ҳар бир инсон суратга ўз дунёқарашидан келиб чиқиб изоҳ беради. Доим ҳам рассом тасвири билан харидор тасаввурни ўхшаш бўлавермайди. Ҳақиқий санъат асари хамиша ва ҳамма даврларда инсонни фикрлашга, мулоҳаза юритишга чорлайди. Ҳамюртларимиз хонадонларида китоб жавонлари билан бирга деворий суратлар кўпайишини истаيمان.

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

TARJIMONNING TAFAKKUR QUVVATI

asl nusxaga yaqin bora olishi kerak

“Китоб ўқишдан тўхтаган киши, фикрлашдан тўхтади”, дея бежиз таъкидлашмаган. Демакки, инсон фикрлаши, тобора фикрлари чархланиб бориши учун мунтазам китоб мутолаа қилиши зарур. Чунки бутун умри давомида тўғри йўлда собитқадам бўлишида маънавий қувват керак бўлади. Бу қувватни унга фақатгина китоб бера олиши мумкин. Мен ҳамisha ўқувчиларимдан ўқиган китоблари ҳақида кундаликларига ёзиб боришларини талаб қиламан. Ушбу мулоҳазалар уларнинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатишини таъкидлайман.

Ҳар гал дарс аввалида ўзбек адабиётидан инглиз тилига ёхуд инглиз адабиётидан ўзбек тилига таржима қилинган асарларни муҳокама қиламиз. Устоз адибларимиз айтганларидек, бир бадий асар иккинчи тилга маҳорат билан ўғирилсагина, ўша тилда яшаш ҳуқуқини қўлга киритади. Бу эса таржимондан жуда катта иқтидор, илм ва оғир меҳнатни талаб қилади. Таржимон икки тилни ҳам яхши билиши лозим. Кўп йиллар давомида бадий асарлар деярли рус тили орқали таржима қилиниб келинди. Шунга қарамай, таржима санъат эканлигига алоҳида аҳамият қаратиларди.

Таржимон нафақат чет тилини, балки таржима қилинадиган тилни ҳам яхши билиши жуда зарур. Айрим ёш таржимонлар ўзбек тилини етарли даражада билмаслиги улар томонидан ўғирилган асарларда шундоқ кўзга ташланиб туради. Бундай таржималарни ўқиб қалбингиз истаган маънавий озуқани топа олмаслигингиз аниқ.

Таржимоннинг бадий фикрлаши, тафаккур қуввати асл нусхага яқин бора олиши керак. Мисол учун, Абдулла Қодирий романларини ўзбекчага таржима қилаётган киши чуқур тафаккур қилмаса, ўзбек менталитетидан беҳабар бўлса

Қодирий ёзганчалик мукамал ҳолда маромига етказиб таржима қила олмаслиги турган гап. Шейрий таржима эса янада мураккаб жараён. Бунда таржимон шейрий тарзда гўзал бир асарни “қайта”дан яратилишига тўғри келади. Авваллари энг охири чора сифатида техник таржималарга мурожаат қилинган бўлса, ҳозирги пайтда таржимонлар асосан техник таржималарга мурожаат қилишмоқда. Лекин бу билан мукамал бадий таржима асари дунёга келиши мумкин эмас.

Мақтабимизда “Ёш таржимонлар” тўғраги очилган. Таржима борасидеги ёш ижодкорлар билан бирга таникли устоз таржимонларни ҳам таъкиф қилиб турадим. Шундай учрашувлар ва суҳбатларда баъзи бир ёш таржимонларнинг ўзбек тилида раван гапира олмаслигидан ҳайрон қоламан. Ахир таржима қилинаётган асар ўқувчини ҳайратлантириши учун таржимоннинг сўз бойлиги кўп бўлиши, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиздан тўла бохабар бўлиши зарур эмасми? Фақатгина инглиз ёки бошқа бирон корейс тилини билгани унинг таржимон эканлигини белгиламайди-ку...

Таржима санъатининг нақадар нозик санъат эканлигини ўқувчиларимга сингдириш учун устоз таржимонлар Қодирий Мирмуҳаммедов, Иброҳим Фағуров, Жамол Камол, Низом Комилловлар таржима қилган асарларни кўпроқ мутолаа қилишлари ва уларни асл нусхалари билан солиштиришлари зарурлигини кўп бора такрорлайман. Ҳа, бизнинг она тилимиз дунёдаги тиллар орасида ниҳоятда гўзал ва бой тил ҳисобланади. Шундай экан, уни энг аввало ўзимиз кўпроқ қадрлашимиз, ўрганишимиз ва тарғиб қилишимиз лозимдир.

Элбек МҮМИНОВ,
Шаҳрисабз шахридаги
19-мактабнинг инглиз тили
фани ўқитувчиси.

Ayol muqaddas, ayol mo'tabar...



Аммо афсуски, билиб-билмай бу номга доғ тушираётганлар жамиятимизда учрамоқда. Кимдир ҳаёт қийинчиликларига бардош беролмай, яна кимдир оиладаги етишмовчилик оқибатида, яна кимдир эрининг масъулиятсизлиги натижасида, хуллас жиноят кўчасига кириб қолмақда.

Қонун барчага баробар, жиноят қилган мамлакатимиз қонунлари олдида албатта жавоб беради. Таъкидлаш керакки, кейинги уч-тўрт йил ичида хотин-қизларимизга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларни ҳам маънавий, ҳам моддий қўллаб-қувватлаш, бузулган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, зўравонлик ва камситишларга бутундай барҳам бериш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шахсан ташаббуси билан хотин-қизларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятдаги ўрнини янада фаоллаштириш борасида қатор фармон ва қарорлар ҳаётга татбиқ қилинди.

Шунингдек, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган аёлларни афв қилиш, ҳаётга мослашиб кетиши учун ҳам алоҳида қайғурмоқда. Бу борада тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида режа ва дастурлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Ўтган йилнинг сўнгида, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судида ана шундай ишлардан бири кўриб чиқилди. Тошкент шаҳрида 1973 йилда туғилган Матлуба Аҳмедованинг жиноий ишига тааллуқли бу жараён маҳкуманинг фойдасига ҳал қилинди. Аёлнинг қарамоғида тўрт нафар фарзанди

бор. Маълумоти ўрта бўлгани боис, муқим иш ўрни топиши осон бўлмаган. Тўрт нафар фарзандни бошқалардан кам қилмай боқиш эса осон эмас. Шу сабаб ўтган йилнинг бошида бу аёл жиноят кўчасига киради. Натижада М.Аҳмедова Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 102 моддаси 1-қисми билан айбланиб, икки йилга озодликдан маҳрум этилади.

Аммо онаси қамоққа олинган, унинг қарамоғида бўлган фарзандининг тақдири ҳам бор. Тўғри, қариндош-уруғлар уларни ташлаб қўймаслиги аниқ. Аммо бола тарбиясида онанинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси ЖК 48- ва 73- моддаларига асосан маҳкума М. Аҳмедованинг жазони ўталмаган бир йилу уч ойдан ортиқ муддати шартли равишдаги озодликка алмаштирилиши кўриб чиқилди.

Жиноят кодексининг 73-моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир жиноят содир қилмагани учун судланган шахс, тайинланган жазонинг камида учдан бир қисмини ўтаган, қолган жазо муддати шартли равишда озод қилиниши мумкинлиги кўрсатилган. Суд шуни ва аёлнинг пушаймонлиги ҳамда қарамоғида тўрт нафар фарзанди борлигини ҳисобга олиб, М.Аҳмедовани суд залидан шартли равишда озод қилишга ҳукм чиқарди.

Мамлакатимиз қонунларида кечиримлилик, бағрикенгликка алоҳида эътибор қаратилган. Аммо ана шу бағрикенгликни ҳар бир инсон тўғри тушунаса нур устига нур бўларди.

А.ИМИНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг судьяси.

МАТЕМАТИКА FANLARINING ASOSIDIR

Тарих гувоҳки, буюк аждодларимиз жаҳон тамаддунининг ҳам диний, ҳам дунёвий илмининг ривожланишига муносиб улуш қўшишган. Биргина, аниқ фанларнинг асоси бўлган математикани олади-ган бўлсак, унинг асосчиларидан бири буюк бобомиз эканлиги фахрлидир.

Таъкидлаш керакки, бугунги ахборот асрида ҳам ушбу фаннинг аҳамияти ва ўрни жуда муҳим. Ёшларимиз буюк аждодларига мос ворислар бўлиб етишиши, аниқ ва бошқа фанларни чуқур ўзлаштириши масаласига мамлакатимизда катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг сўнгида олимлар, илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари ва ишлаб чиқариш сектори вакиллари билан ўтказган учрашувда ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратганди.

Бугунги кунда жойлардаги мактабларда математика фанини чуқур ва инновацион услубларда ўқитиш,



болаларнинг бу фанга бўлган қизиқиш ва меҳрини янада ошириш борасида тизимли ишлар қилинмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 125-мактабнинг 8-“Б”синф ўқувчилари учун алгебра фанидан ўтказилган очик-дарс жараёни ҳам ана шу рўхда ўтди. Очик-дарснинг февраль ойи-

да таваллуд кунлари нишонланган боболаримиз Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижодига бағишланган лирик чекиниш билан бошлангани ҳам рамзий аҳамият касб этди.

— 2020 йил мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинди,

ва бу борада устувор мақсадлар белгиланди, — дейди очик-дарс ижодкорки, математика фани ўқитувчиси Зулхумор Арсонова. — Юртимизда аввалдан шаклланган илмий мактаблар салоҳиятини ҳисобга олиб, ҳозирги босқичдаги миллий манфаатларимиз ва тараққиётимиз йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, бу йил математика, кимё, биология, геология фан ва соҳаларини ривожлантириш танабб олинди. Бугунги очик-дарсимизда ҳам квадрат тенгламаларни ечишнинг замонавий услублари, ўқитишга инновацион ёндашув борасидаги тажрибаларни ўртоқлашдик.

— Очик-дарс жуда қизиқ ўтди, — дейди ушбу синфнинг иқтидорли ўқувчиси Абдулла Ибрагимов. — Гуруҳларга бўлиниб мусобақалашдик ва мисолни ечган йўлим энг тўғри экани мени қувонтирди. Математика фани жону дилим, Зеро, Президентимиз математика ҳамма аниқ фанларга асос. Бу фанни яхши билган бола ақлли, кенг тафаккурли бўлиб ўсади, исталган соҳада муваффақиятли ишлаб кетади, — деб таъкидлаган эдилар. Келажакда етук кадр бўлиш учун бу фанни чуқур ўзлаштиришга қатъий бел бўлганман.

Ўз мухбиримиз

«MILLIY TILNI YO'QOTMAK, MILLAT RUHINI YO'QOTMAK DUR»

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний “Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойина ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак, миллат руҳини йўқотмакдур”, деб ёзган эди. Мана бир асрдан ортиқ вақт ўтса-да, қадр-қиммати, аҳамиятини йўқотмаган бу фикрлар ҳамма давр ва замонларда ҳам долзарб бўлиб келмоқда.

Сўзим аввалини бежизга бундай бошламадим. Сабаби, яқинда кузатганим бир воқеа ғашимга теғди. Қизларим билан уйимиз атрофидаги хиббонга чиқдик. Ёнимиздаги ўриндикда Утирган замонавий кийинган икки дугона рус тилида гаплашишяпти. Кўринишдан ўзбек. Яхшилаб разм солдим миллатига ишонч ҳосил қилиш учун. Орадан бироз ўтиб забонлари билан ўзлариям тасдиқлаб қўйишди. Иккала тилда аралаш, чала-чулпа гапириб кулишарди. Қарши эмасман, киши тўлик русча ёки ўзбекча гапирса. Ҳалиги ойдеккина қизлар кўзимга хунук кўриниб кетди. На рус тилини ва на она тилини тузукроқ билади. Балки шунақа гапирсам зўр замонавий кўринаман, деб ўйлар? Яна ким билади, дейсиз. Тўғри, тил ўрганиш ва уни билиш жуда ҳам яхши. Лекин иккаласини ҳам аросатда қолдириб, чала сўзлаш маданиятсизликдир. Бунга барчамизнинг бепарволигимиз, она тилимизга бўлган ҳурматимиз ҳаминкадур эканлиги сабаб бўлмоқда.

Яна бир кичик воқеа. Яқинда ҳамкасбим асабийлашиб хонага кириб келди:

— Банкдан келяпман. Ўзбек қиз русча савол берди. Ўзбекча жавоб қайтарсам энсасини қотиради. Ноилож қолгач жаҳл билан ўзбекча гапирса бошлади. Ана биларкансиз-у ўзбекчани десам. “Проста, манга неудобно бу тилда гапириш”, деб беписандлик қиляпти. Рус тилида гапириш маданият саналадими? Ёки ўзбек тилида гапириш “қишлоқ”лик тамғасими?

Бугунги кунда ўзини “современный” ҳисобловчи айрим ёшлар кундалик ҳаётда рус тилида сўхбатлашишни афзал биладилар. “Меня так удобно” ниқобида улар замонавий эканликларини ошқора ифода этадилар. Шу Ватанда туғилиб ўсган, олий маълумотли, ижтимоий-сиёсий соҳалардан бирида фаолият олиб бораётган 20-25 ёш атрофидаги аксарият русийзабон ўғил-қизларнинг жаҳалардаги фаол ҳаракатларини кузатиб, бир томондан



уларнинг ҳақиқатан ҳам замона ёшлари эканлигига қойил қолсан, бир томондан эса... Қанийди бу каби ёшларнинг ҳаммаси ҳам ўз она тилини бошқа чет тилларини билганидек билса.

Она тилига муҳаббат, ҳурмат бу ўзликка, ўз гурурига бўлган ҳурмат назаримда. Мен кўйида яқин танишим бўлган икки оила мисоли тариқасида сўзламоқчиман. Аҳамиятлиси, икки оила ҳам Самарқанд вилоятининг туманидан бўлиб, иш юзасидан бири Самарқанд, бири эса Тошкент шаҳрида яшайди.

Самарқанд шаҳрида яшаётган таниш оила эрхотин шифокор. 2 та фарзандларини ҳам рус богда, рус мактабларига беришган. Уйда ҳам шу тилда мулоқот қилишади. Ҳатто шу даражага етиб боришганки, фарзанд ўзининг ўзбек эканлигини билмайди ҳам. Бир куни онаси фахр билан

бу ҳақда бизга сўзлаб берди. Унинг айтишича, қизи мактабда синфдошлари билан ўзбеклар ҳақида ёмон фикрдалигини, уларни масҳара қилишини “Ойижон, биз яхши ҳам ўзбек эмас эканмиз-а” деб хавотирга тушганини айтиб берганида, шундай миллатдошларим борлигидан афсусланиб кетдим.

ки, кейинги ҳаёти давомида европача муҳитда яшаган одамларнинг тили ҳаминкадур, фикрлаш тарзи ҳам тушунарсиз. Лекин ҳозирги кунда менга алам қиладигани шундаки, нуфузли ташкилотлар рус тилида иш олиб бора оладиган, инглиз тилида сўзлашгани бемалол эплайдиган кадрларни талаб қилишмоқда. Йўқ, тил билган яхши. Яхши ҳам гапми бу жуда катта ютуқ! Бир тилни билган бир, икки тилни билган икки инсон деган алломаларимиз.

Бугун халқ орасида “ўзбек мактабга берманг, яхши ўқитмайди”, деган тушунчалар пайдо бўлаётгани ва бу кун сайин “мустаҳкамланаётгани” хавотирли эмасми? Аввало, она тилини эгаллаши керак бўлган бўшлиқни тўлдиринг; кейин истаган хорижий тилни ўргатишингиз, у тилда сўзлашингиз ўринли. Тилга эътиборсизлик, уни менсимаслик, айнан шу нарсаларни, миллатни менсимаслик деганар.

Талаб қилишни ўрганишимиз керак. Сизга русча гапирган одамга ўзбекча жавоб қайтаринг. Бирда бўлмаса бирда у ҳам ҳаракат қилади ўзбекчада гапиришга, локал тушунишга. Аммо кўп кузатганимизки, баъзи тadbирларда расмийларимиз ҳам гарчи барча қатнашчиларга бирдек тушунарли бўлмаса ҳам рус тилида гапиришни ўзига ўнғайроқ, деб билади. Баъзи анжуманларда «ўзбек тилида эмас, ... рус тилида гапирасиз», деган талаб ҳам қўйилади. Яна шундай раҳбарларимиз борки, она тилида, давлат тилида сўзлашни ўзига эп кўрмайди, гўё уялади, истиҳола қилади. Мана шу нуқтада асосий камчилигимизнинг сабаби очилиб қолади.

Тошкент шаҳрида яшайдиган иккинчи Ҳидоят Олимованинг оиласи жуда ҳавас қиларли. 2 ўғли, 1 қизи Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини битирган. Фарзандлари, келинлари ҳам 3-4 та тилда бемалол гаплаша олади. Лекин уйда ўз она тилида мулоқот қилишади. Ҳаттоки, уйлари ҳам ўзбекча безатилган. Бундай ҳолат тахсинга сазовордир. Қанийди ҳамма оилалар Ҳидоят опа сингари фарзандларини тарбияласа. Бугун жамиятимизда юқоридагидек хунук ҳолатларга учрамасдик...

Она тили хориж тилини ўрганишда асосий замин ҳисобланади. Шу боис ўзбек тилини қанча теран билсак, чет тилини шунча пухта ўзлаштирамиз. Мана ўйланг, масалан, ўзи асли ўзбек бўлатуриб, болалигидан русча богдача қатнаб, русча мактабда ўқиб ва табиий-

Интернетдаги ижтимоий тармоқлар аҳолининг, айниқса, ёшларнинг саводхонлигини, она тилимизда қанчалик тўғри ёза олиши, ўзбек тилига лоқайд ёки лоқайд эмаслигини кўрсатувчи бир кўзгу вази-фасини ҳам ўтамоқда, десак янглишмаймиз.

Одатда, мухлислар бирор сайтда берилган маълумотлар, турли чиқишлар билан танишгач, ўз муносабатини билдириб, изоҳлар ҳам ёзиб қолдиришади. Афсуски, бу изоҳларнинг аксариятида ўзбек адабий тили қондаларига риоя этилмайди. Уч-тўрт қатор матнда ўнтадан, баъзан ўн бештадан зиёд хатоликлар учрайди. Буни ёзган юрдошимиз мактабда қандай ўқиди ёки ўқияпти экан, умуман, саводи йўқлигини билармикан ўзи, дейсиз беихтиёр.


Фақатгина она тили ва адабиёт фанлари эмас, бошқа фанларга доир кито-

IZON YOZISH UCHUN HAM SAVOD KERAK...

бларни ўқиган кишининг ҳам саводи яхшиланиб боради. Чунки мазкур китобларда мавзулар адабий тилда ёритилади. Демак, икки оғиз гапни эплаб ёзолмайдиган, кўп хатоликка йўл қўювчи ёшлар нафақат она тили ва адабиётга, балки барча фанларга оид китоблардан ўзини йироқ тутувчи, олтидан қиммат вақтини билим олмасдан ўтказиш юбараётган ўғил-қизлардир.

Ўйлаб қараганда, изоҳ ёзиш учун ҳам савод керак экан! Шояд, бу фикр ижтимоий тармоқларда воқеликларга бефарқ қарамасдан, ўз муносабатини билдиришга ҳаракат қилаётган ёшларимизда ҳам уйғониб қолса! Илимий

ФАЛСАФАНИ ҚАРАНГ: “Қизлар, футбол тўпи бўлинглар! Шунда ҳамма болалар орқангиздан югуриб юришади. Болалар, футболчи бўлинглар! Шунда ҳамма тўплар сизларники бўлади”.



йўналишда, бадиийи, хуллас, ўзбек тилида чоп этилган китоблар ўз ўқувчисига ўзбек адабий тилидан ҳам сабоқ беради, тўғри ёзишни ўргатади. Баҳона излашга ҳожат йўқ, фақат ўқиш-ўрганиш керак. Ахир интернет сайтларида бошқа тилларда ёзилган изоҳлар хатосиз-ку, нега биз тўғри ёза олмаямиз? Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари шу саволни ўзига бериб

кўрса, китоб, газета-журнал ўқиб турсалар, хатосиз ёзишни ҳам урдасидан чиқишади, албатта.

Кейинги пайтларда умумтаълим мактабларида иншо ёзиш амалиёти кенг қўллана бошланганлиги айни муддао бўлди. Иншо ўқувчига тўғри ёзиш билан бирга, она тилимизда фикрлаш ҳам ўргатади. Ўз фикрини қоғозга тушириш кўникмасини, ёзма нутқни шакллантиради.

Хатосиз ёзиш она тилимизга муҳаббат ва ҳурматимизни ифодалайди. Гузал ва ҳар жиҳатдан бой тилимиз аждоқлардан бизгача етиб келган бебаҳо ҳазинадир. Шу беминнат ҳазина гавҳарлари билан нутқимизни бойитсак, хатосиз ёзсак, эшитганнинг ҳам, ўқиган кишининг ҳам муаллифга ҳурмати ортади. Демак, тўғри ёзиш билан инсон, аввало, ўзини ҳурмат қилган бўлади. Шундай эмасми?!

Бобирбек МАДРИМОВ,
Хива туманидаги 32-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Вилоятнинг обрўли газеталаридан бирида ёш истеъдодли танқидчи Талқинбой Танқидийнинг навбатдаги мақоласи босилди:

"Юртимиз ободонлашиб, шахримиз чирой очаётган паллада айрим кўп қаватли уйлар кўриниши кўнгилни хижил қилмоқда. Масалан, Тинчлик кўрғончаси Дўстлик кўчасидаги 7-уйни олайлик. Балконларига ёйиб қўйилган қирлар бир километр наридан ҳам кўришиб туради. Улар орасида аёлларнинг ич кийимларидан тортиб, лозимигача бор. Ҳатто қарашга уяласан киши. Кўп қаватли уйлар хуснини бузиб, ўзбошимчилик билан қаторасига қурилатган ҳожатхоналарга нима дейсиз? Бу ҳали ҳаммаси эмас. Бу ерда яшовчилар "дом"ни нақ ҳайвонот боғига айлантириб юборишган. Мушук, ит бўлса-ку, майли, товуқ, қурка, ҳаттоки чўчкагача боқишяпти. Йўловчилар парранда ахлатига ботиб қолишса-да, улар бепарво!"

Шундан бошланди ҳамма можаро. Кўшнilar тўпланиб, Талқинбойни чиқишди. Бошлаб Талқинбой исмини ҳам билмайдиган мўйловли кўшнisi гапирди. У ҳожатхоналардан бирининг соҳибси эди.

– Кўчиб келганингизга бир ой ҳам бўлмасдан шунча гўйбатми, кўшнisi? Кўрамыз хали, сизнинг ҳам ичбуруғ бўлишингиз бор...

Кейин Ҳанифа деган аёл кўшниси бир Талқинбойга, бир хотинига қаҳр билан тикилиб турди-да, ўзини аранг босиб:

– Балконга осилган кийимларни адашмай санаганингизга кўра, ростдан ҳам, қарагани уялибсиз, шекилли! – деди ва юзини тескари буриб, қўшиб қўйди, – ҳей, қарамай кўзинг тешилсин!

– Хотинингиз тўртта тухум сотиб олса, иккита қўшиб берардим-а, – деб гина қилди яна бир кўшниси.

– Қурқанинг ахлатига ботмай десанг, кўзингга қараб юр-да, ука, шуни газетага ёзиш шартмиди? – деди бошқаси. Сахарлаб итлари билан югурадиган спортчи кўшниси эса ҳаммасидан ўтиб тушди:

– Ўзи бунақаларни итга талатиш керак. Ҳозир бир туширайми жағига?

Toshbaqa

Hajviya

– Ўв, тошбақа! Сен-чи, сенда чўчкаларимнинг устидан ёзишга ҳуқуқ борми ўзи?



Йиғилганлар орасида спортчини жон деб қўллаб-қувватловчилар топила қолди:

– Ур!

– Ичига сол!

– Телиб ташла!

Шунда кимдир бор овозда бақирди:

– Тўхтанглар, ўртоқлар, тўхтанглар! Бунга ҳуқуқингиз борми?!

Ҳамма овоз келган тарафга қаради. Қутилганидек, овоз эгаси ҳаваскор ҳуқуқшунос Бойтўра "адвокат" эди. "Дом"да кимнинг ҳуқуқи бузилса, шу йигит ҳимоя қилади. Мактабдаям ўзига ўхшаган "икки"чиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилавериб, тўртинчи синфлигидаёқ ҳайдалиб кетган. Бойтўра гапиршига гапирди-ю, ўзига тикилиб қолган, бақрайган, чақчайган, сўмрайган

нигоҳлардан ўнғайсизланди, шекилли, тез юриб Талқинбойнинг ёнига келди:

– Ўв, тошбақа! Сен-чи, сенда чўчкаларимнинг устидан ёзишга ҳуқуқ борми ўзи?

Можаро ҳали-вери тугайдиган эмас эди. Талқинбойнинг жонига хотини оро кирди. Танқидчининг хотини эмасми, бунақа жанжаллари тинчитавериб, пишиб кетган. Унинг тарс-тарс этиб тегадиган ҳақ гапларидан кейин кўшнilar уй-уйларига тарқалишди.

– Саводсизлар! – деди Талқинбой. – Аҳмоқлар!

– Ўзингиз аҳмоқ!

Талқинбой хотинининг сўзидан анграйиб қолди:

– Лу-у-бахон, нималар деяясиз?

– Эшитганингиз! – жавоб қилди хотини. – Нега тинчгина юрмайсиз? Жонимга теги квартирама-квартира кўчиб юриш! Мана энди, яна кўчадиган бўлди. Бўлди, чарчадим бунақа яшадан! Кетаман, онамниқига кетаман!

Хотини бурнини торта-торта жавон ёнига келди. Кийимларини тахлаб, жомадонига сола бошлади. Орада Талқинбойга ҳам қараб-қараб қўйди. Ундан ниманидир кутди. Афсуски, Талқинбой кўзларини кўзойнақ ортдан беозор мўлтиратганича жимгина турарди. Хотини кийимларини йиғиштириб бўлгач, эшикка қараб юрди. Шошмасдан, битта-битта босиб юрди. Эшикни очаркан, тўхтаб яна Талқинбойга қаради. Ҳамон шу аҳвол – эри жим эди. Худди хотинининг чиқиб кетишини атай кутаётгандек. Оғринган хотини юзини чирт ўгириб, эшитилар-эшитилмас деди:

– Ҳей, ул-а, тошбақа!

Бугунги учраган ноҳақликлари-ю, эшитган ҳақоратларидан алами келган Талқинбой секин бориб, ёзув столига ўтирди. Кўзойнагини қуҳ-қуҳлаб артиб, янги мақоласини ёза бошлади:

"Миллатимиз асраб-авайлаб келаётган қадриятларимиз қаерга йўқолмоқда? Масалан, хотинларнинг эрларига бўлган муносабатларини олайлик. Ҳатто бугун бозорда бир аёлнинг эрига "Ул-а, тошбақа!" деганини ўзим эшитдим..."

Байрам АЛИ.

OVCHILARNI chalg'itgan quyon



Кулранг, қизғиш кўринишдаги тоғ қуёнларининг нозик териси қуюқ жун қопламидан иборат бўлиб, мўйнасининг узунлиги ва ранги йил фаслларига қараб ўзгариб туради. Улар асосан мўйнаси ва гўшти учун овланади. Гўшти тўйимли бўлгани учун тулки ва оқсусарлар ҳам хавф солиб туради.

Тиниб-тинчимас жониворлар қишда жингил, юлгун, саксовул кабиларнинг شوҳ-шаббаси ва буталар пустилогини ғажиб озиқланади. Йилнинг қолган фаслларида дарахтнинг яшил қисмлари, ўсимлик илдизи ва пиёзчаларини ейди. Бу жониворларни ўзларини инсонлардан қандай химоя қилишлари ҳақида бир овчи танишим сўзлаб берганди.

...Кенг сайхонликда тоғли йўл оралаб машинада кетиб борарканмиз қор кўрпаси узра деярли ҳеч нарса қимирламасди. Ерда ковуш бутгулик қор бор. Машинада юқорилаб борарканмиз, олдимизга қуён сакраб чиқиб

чироқ нурида кўзи қамашганидан бир неча лаҳза тик қотди-да сўнг, йўл ёқасидаги буталар орасига кириб, гўйиб бўлди. У бошдан-оёқ кулранг, момик жун билан қолланган эди. Куз охирида киши нафаси сезилиб қолган бўлса-да, ҳали тусини ўзгартирмаганди. Биз вақтни бой бермаслик учун дарҳол машинадан тушиб, чироқ ёруғида унинг ортидан эргашдик.

Изгириш шамол ва аёз қулоқ-бурунни чимчилар, ҳали олдинда бизни нималар кутаётганини билмасдик. Қуённинг яна қайтиб келишига ишонганимиздан сабр-тоқат билан пойлашга тушдик. Негаки, ҳамроҳимиз Фарҳод амаки ов олдида қуёнлар атрофдагиларни чалғитиш мақсадида тўрт-беш қадам ён томонга сакраб изини йўқотиши ва албатта юриб ўтган йўлидан қайтиши ҳақида сўзлаб берганди.

Ой тўлишган тунда машинамиз томон энди ўтирилган ҳам эдикки "тирс" этган товуш қулоққа чалинди. Бундан Фарҳод амаки ҳеч ҳам таажубга тушмади. Чунки у қуёнларнинг жойидан сакраб кўзгаллишини шундан билар экан. Жонивор кўз очиб юмгунимизча жуфтакни ростлаб қолганди.

Машинамизни пастда қолдириб қоя томон кўтариларканмиз, тош уюмларидаги ёриқ-тирқиш ва буталар тагидаги инларда қуёнларнинг дам олиб ётганлигининг устидан чиқдик. Одатда, улар ўзларига қарашли ҳудудда қачон озиқ борлигига қараб бир-бирларидан маълум масофада оила-оила бўлиб яшар, то зим-зиё қоронғилик тушмагунича ташқи оламга кўриниш бермасди. Лекин

Фарҳод амаки уларнинг ёрқин тоғ қуёши нурларидан соатлаб исинганлигини бир неча бор кузатган экан.

Кўпайиш олдида урғочиси буталар тагидаги инини хас-хашак ва жунини юлиб тўлдиради. Қуёнчалар дунёга келгач, сут билан боқа бошлади. Миттивойларга иссиқ вужуд, мўйна ва она ғамхўрлиги зарур. Ҳиди атрофга унчалик сезилмаганлигидан йиртқичлар эътиборини жалб қилмайди.

Тунда яна янги изларга дуч келдик. Бу изларни қора қилиб юриб, кўп вақтимизни бекор ўтказдик. Бир пайт қуённинг харсанглари оралигидани майсаларни чимдиб озиқланаётганини кўргач севишиб кетдик. Бироқ хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади. Бир зумда жонивор тошлар уюми оралигига кириб кетди. Яна кутиш ва теварак-атрофга зийраклик билан қулоқ туттишимизга тўғри келди. Орадан икки соатча вақт ўтиб, унинг ўтириб олиб бизни томоша қилаётганлигидан хайратга тушдик. Лекин қанчалик яқинлашмайлик, илгарилар борар, қувлаш учун эса катта куч керак.

Ўша ойдin тунда қуён ортидан изма-из юриб, тонг ёришганини сезмай қолибсиз. Ниҳоят, у қўйлар подаси юриб ўтган изга тушиб бизни чалғитмоқчи бўлди ва пода изи билан ўнг ён томон қолиб, сўлга, чамаси беш қадам наридаги ёйиқ тош устига чиқиб олди. Энди жонивор тамоман ҳолдан тойган, қўрқанидан қулоқларини қапиштириб олганича тош устида турар, аъзои-бадани қалтирарди. Беихтиёр раҳимимиз келди ва аста-секин ортага қайтдик.

Ҳалима ШОЙЗОҚОВА ёзиб олди.

Oila va jamiyat

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Ақбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 236. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 2465. Ваҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: **Б. Исмоилов**
Мусаҳҳих: **С. Сайдалимов**
Саҳифаловчи: **А. Маликов**

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5